

**ШАРТНОМА № 9**

Олтинкўл қишлоғи

“ 11 ” 01 2022 йил

“Андижон матбуот таркатувчи” МЧЖ Олтинкўл туман бўлими бундан буён «Обуна қилувчи» деб юритилувчи номидан раҳбар Элмурод Эрматов бир томондан ва Сатишова Гулноза матнда “Обуначи” деб аталувчи иккинчи томондан қуйидаги мазмунда ушбу шартномани тузадилар:

**1. Шартноманинг предмети**

1.1. “Обуна қилувчи” ушбу шартномага асосан 2021 йил учун обуна нашрларини «Обуначи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммада 2021 йил давр ичида етказиб беради. “Обуначи” етказиб берилган нашрларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги конунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштиради. “Обуначи” тўлов ҳужжатларига асосан белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида белгиланган ҳисоб рақамидан тўловларни амалга оширади.

**2. Шартнома баҳоси, нашрни етказиб бериш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати Бир миллион етти юз қирқ минг ( минг ) сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган нашрларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори ва нархлари қуйидагича:

№	Индекс	Нашр номи	Миқдори	Қанча ой(сон)га	1 ой сон нархи	Жами пули
1	887	Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Талабаларининг Анжберданонаси	1	12	195000	1740000
Жами:						1740000

2.2. “Обуна қилувчи” билан “Обуначи” ўртасида ҳар ойнинг бошида «Обуначи» нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган нашрларни миқдори ва нарҳини келишуви имзоланади ҳамда ушбу келишувлар шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

2.3. “Обуначи” етказиб бериладиган нашрлар учун 10 (ўн) банк иш кунида 100% миқдордаги суммани “Обуна қилувчи”га ўтказиб беради.

2.4. “Обуначи” га нашрлар “Обуна қилувчи” ходимлари орқали етказиб берилади.

2.5. “Обуна қилувчи” тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда нашрларни етказиб беради.

2.6. “Обуна қилувчи” томонидан “Обуначи”га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада нашрларни етказиб берилган ҳолатларда шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун ҳақ тўланмайди, томонларнинг ўзаро ёзма келишувига асосан етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

**3. Шартноманинг бажарилиши**

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.2. “Обуначи” илгари берилган талабномани бекор қилишга ёки нашрларнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Обуна қилувчи” ни камида 1(бир) ой олдин хабардор қилади.

3.3. «Обуначи» муддатлар бузилган ҳолларда етказиб берилган нашрларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.4. “Обуначи” –“Обуна қилувчи” томонидан нашрларни ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз, муддати ўтган нашрларни етказиб берган ҳолатларда шартномани “Обуна қилувчи”ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиш мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

#### 4. Томонларнинг мажбуриятлари

##### "Обуна қилувчи"нинг мажбуриятлари

- 4.1 "Обуна қилувчи" етказиб бериладиган нашрларнинг сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сертификати ёки таҳлил баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.
- 4.2. Нашрларни қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни "Обуначи" талабига мувофиқ 3 кун муддатда бартараф этади.

##### "Обуначи" мажбуриятлари

- 4.4. Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган нашрларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиг
- 4.5. Нашрларни мазкур шартноманинг қўшимча келишувларида кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради.

#### 5. Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.

5.1. Нашрларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда "Обуна қилувчи" "Обуначи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% идан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Обуна қилувчи"ни нашрларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган нашрлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Обуна қилувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизли миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

#### 6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Келишмовчилик ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қоидага кўра мустақил равишда уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

#### 7. Форс-мажор

7.1 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек, Ўзбекистон Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорлар қабул қилиниши натижасида келиб чиққан ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва келишувлар шартларини бажариш маъсулиятини ўз зиммасига олмайдилар.

#### 8. Шартномани амал қилиш муддати.

8.1. Мазкур шартнома имзоланиб, ҳудудий газначилик бўлинимасидан рўйхатга олинган кундан кучга кириб 2021 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусха ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга ҳисобланади.

"ТАЪМИНОТЧИ"

"ОБУНАЧИ"

Олтинкўл туман «Андижон матбуот таркатувчи»МЧЖ Олтинкўл туман бўлими

М.Алиев кўча 18 уй

Х.Р: 20208000400277930001

ИНН:200254690 МФО:00049

ОАТБ Агро банк Олтинкўл бўлими

ОКОНХ

Раҳбар

М.У.



*М.У. Эрматов*  
2021

*Халқ депутатлари*  
*Олтинкўл туман Кенгаши*  
*Котибияти*

*Марказ М.Ф.И. Туркистон*  
*Кўча 2 уй*

*Ҳисоб рақом*

*1000 228 600 3202 7011 9033 4001*  
*МФО: 00049 ДИИ: 201335394*

*Марказий Банк МФО: 00019*



М.У.

*23402000300100001010 ДИИ: 201122919*  
*З. Самимова*